



## ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА ХОМ АШЁ ВА МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Маматқулов Акрам Холмуродович,*

*Тошкент молия институтининг, Иқтисодий таҳлил кафедраси катта ўқитувчиси*

*G-mail: [mamatkulovakrom850@gmail.com](mailto:mamatkulovakrom850@gmail.com)*

*ORCID: 0000-0002-0529-5042*

## IMPROVEMENT OF RAW MATERIALS AND MATERIALS ACCOUNTING FOR PRODUCTION ACTIVITIES OF COTTON PROCESSING ENTERPRISES

*Mamatkulov Akram Kholmurodovich,*

*Senior teacher of the Department of Economic Analysis, Tashkent Financial Institute*

*G-mail: [mamatkulovakrom850@gmail.com](mailto:mamatkulovakrom850@gmail.com)*

*ORCID: 0000-0002-0529-5042*

**JEL Classification:** M1, M4, M41

**Аннотация.** Мазкур мақолада республика пахтани қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти бўйича хом ашёлар ва материаллар ҳисобини такомиллаштириши ҳамда иқтисодий жиҳатдан жараҳатли макроиқтисодий ривожланишида ишлаб чиқариш ҳисобининг муҳим жиҳатлари ёритилган. Шунингдек ишлаб чиқариш ҳисобида хом ашё ва материалларнинг мақсадли сарфлари, таннархда тўғри акс эттирилиши ҳамда унга тегишли вазифалари таъкидлаб ўтилган. Шу билан бирга хом ашё ва материаллар бўйича иқтисодчи олимларнинг тадқиқот ишларидан ҳаволалар келтирилган. Пахтачилик қайта ишлаш корхоналарининг тараққиётини иқтисодий жиҳатдан юксалтириш учун пахтани қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари бўйича таннархни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириши ҳамда юқори макроиқтисодий барқарор кўрсаткичларга эришиш масалалари ёритилган.

**Abstract.** This article describes the improvement of raw materials and materials

accounting for the production activities of republican cotton processing enterprises and the important aspects of production accounting in the rapid macroeconomic development of the economy. Also, in the production account, the target costs of raw materials and materials, their correct reflection in the cost, and their related tasks are emphasized. At the same time, there are references from the research works of economists on raw materials and materials. In order to economically increase the development of cotton processing enterprises, the issues of improving the methods of calculating the cost of production costs in cotton processing enterprises and achieving high macroeconomic stable indicators are covered.

**Калим сўзлар.** хом ашё, сарф харажатлар, таннарх, даромад, ишлаб чиқариш ҳисоби, макроиқтисодий барқарор кўрсаткич.

**Keywords.** raw materials, expenses, cost, income, production account, macroeconomic stable indicator.

**Кириш.** Янги Ўзбекистон ҳам ўзининг келажақдаги тараққиётини иқтисодий жиҳатдан юксалтириш учун

“Тараққиёт стратегияси”да “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” йўналишига қаратилди.[9] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу йўналиш бўйича “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сонли қарори тасдиқланди[10]. Бу қарорнинг 6-бандида “Илмий-техник ва тажриба-экспериментал тадқиқотларни ривожлантириш, пахтачилик тармоғига инновацион ғоя, ишланма ва технологияларни жорий этиш” вазифаси белгиланди. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, ҳалқаро амалиётда пахтани қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш бўйича харажатлари бўйича таннархни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш иқтисодиётни жадал ривожланиши ва макроиқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Шу бирга ишлаб чиқариш натижасида олинаётган даромадлари билан макроиқтисодий барқарор даражадаги кўрсаткичларга эришиш. Юқори макроиқтисодий барқарор кўрсаткичларга эришишдан мақсад, пахтани қайта ишлаб ҳар хил маҳсулотлар яратиш, уларни сотиб юқори даромадларга эга бўлиш ҳамда “ишлаб чиқариш бўйича таннарх” ва “ишлаб чиқариш ҳисоби”ни такомиллаштиришдан иборат. Чунки, пахта саноатиминтақа мамлакатлари иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Республикамиз ҳисоб тизимида ишлаб чиқариш ҳисобида, корхоналарнинг ишлаб чиқариш хусусиятларида, миллий ҳисоблар тизимидаги ишлаб чиқариш ҳисоби бўйича заруриятларида, мавжуд хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланишда,

инновацион технологияларни жорий қилиш ва инвесторларни жалб қилишда, пахта маҳсулотларига эҳтиёж ва талабларини қондирилишида, пахтани қайта ишлаш корхоналарида юзага келадиган харажатлар ва даромадлар ҳисобини тўғри юритилишида, ҳисоб сиёсатини тўғри белгиланишида, ҳисоботларни асосли шакллантирилишида ва амалиётда жорий қилинишида ҳамда корхона қолаверса, Республикамиз ўз олдида қўйган мақсадларига эришишида ўз аксини топади. Юқоридаги мазкур соҳага оид меъёрий ҳужжат талаблари ва мавзуни такомиллаштириш вазифаларидан келиб чиқиб, ушбу мақолада пахтани қайта ишлаш корхоналарида ҳисоб юритиш ва ҳисоботларни шакллантиришда, ишлаб чиқариш ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида ташкил этилиши, макроиқтисодий барқарор даражадаги кўрсаткичларга эришишида асосий зарурият эканлигини белгилаб беради.

**Материал ва метод.** Ишлаб чиқариш бўйича хом ашё материаллар ҳисобини такомиллаштириш масаласини “Хом ашё ва материаллар” бўйича тушунчаларни шакллантиришдан бошланади. Шуларни инобатга олган ҳолда ушбу тушунчаларни ёритиб беришда иқтисодчи олимлар томонидан ва БҲХС ҳамда БҲМС бўйича берилган асосий таърифлари баён этилади:

1. Профессор А.Сотиволдиевнинг фикрига кўра “Барча материаллардан фойдаланиш усули ва ишлаб чиқариш жараёнида тайинланишига қараб қуйидагича тавсиф қилинади: хом-ашё; асосий материаллар; сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар; ёрдамчи материаллар; чиқиндилар; идишлар; эҳтиёт қисмлар; инвентарь ва хўжалик жихозлари”.[11] Ушбу таърифда ишлаб чиқариш ҳисобида “хом ашёлар ва материаллар”ни алоҳида



эканлиги инобатга олиб ҳисоб юритишни таъкидлайди.

2. Иқтисодчи олимлар А.Каримов, Ф.Исломов ва А.Авлоқуловлар ишлаб чиқариш захиралари хусусида тўхталиб, "Ишлаб чиқариш захиралари хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятини нормал давом этишини таъминлайди" деган фикрларини келтириб ўтган.[12] Ушбу таърифда "хом ашё ва материаллар"ни ишлаб чиқариш захиралари деб таъкидлайди.

3. И.ф.н. Н.Рахмонов фикрича "Товар-моддий захиралар - капитал доиравий айланишининг биринчи босқичидаги моддий активлар, яъни ҳали ишлаб чиқариш жараёнига берилмаган ва ўзларининг ҳолатини ўзгартирмаган хом ашё ва материаллар ҳамда маҳсулотлар"ни таъкидлаган. [14] Ушбу таърифда "хом ашё ва материаллар"ни товар моддий захиралар деб таъкидланган.

4. 1-сон "Молиявий ҳисоботни тақдим этиш" номли БҲХСга кўра "барча турдаги захираларни (хом ашё, товарлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот) ҳисобга олиш ва баҳолашга умумий ёндашувни тақдим этади. Унга кўра харид қилинган тайёр захиралар ёки ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида бўлган захиралар таннархини шакллантирадиган харажатлар тўплами билан фарқ қилади".[3] Ушбу таърифда "хом ашё ва материаллар" бўйича харажатлар ва таннарх шаклланиши таъкидланган.

5. 1-сон БҲМСнинг 96-бандида "Ҳисоб сиёсатида товар-моддий захиралар" бўйича ахборотлар ёритиб берилиши" кўрсатилган.[5] Ушбу таърифда "хом ашё ва материаллар" молиявий ҳисобот ва ҳисоб сиёсатида товар моддий захиралар таркибида ҳисобга олиниши таъкидланган.

6. БҲХС "Захиралар" номли 2-сонига асосан, захиралар "одатдаги фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланган; бундай сотиш учун ишлаб чиқариш жараёнида бўлган; ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ишлатиладиган хом ашё ёки материаллар шаклида бўлган".[4] Бунда "хом ашё ёки материаллар" қайси мақсадлар учун ишлатилиш эътироф этилган.

7. "Товар-моддий захиралар" 4-сон БҲМСга кўра "Меъёрий фаолият юритиш мақсадида корхона ишлаб чиқариш жараёнларини тўлиқ амалга ошириш учун сотиладиган материал активлар"га айтилади. [6] Ушбу таърифда "хом ашё ва материаллар" моддий активлар сифатида таъкидланган.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб, муаллиф томонидан "Хом ашё ва материалларни ва уларни ҳисобини юритиш" бўйича тушунчаларни қуйидагича таърифлайди: Корхонада "хом ашё материаллар" ишлаб чиқариш захираларига яъни товар моддий захираларга ёки корхона фаолиятида меҳнат предметлари бўлиб, у ўзининг қийматини ишлаб чиқаришнинг ҳар бир жараёнида ишлаб чиқаришдан олинаётган янги маҳсулотга тўлиқ ўтказилади.

Хом ашё ва материаллар бўйича ишлаб чиқариш ҳисобининг вазифалари белгиланиб, улар сақланиши, меъёрий ишлатилиши, хужжатлар расмийлатирилиши ҳамда таксимланиш назоратини амалга оширади.

"Хом ашё ва материаллар" ҳам 4-сон БҲМСга кўра "товар-моддий захиралар" таркибига киради ҳамда жорий активлар ҳисобланади.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида, қолаверса бошқа ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда "хом ашё ва материаллар" бўйича ҳисоб юритишда: кодицион вазн,

таббий камайишни ҳисобга олиш, материал қийматликларни ҳисобга олиш ҳамда иккиёқлама ёзув усуллари кўллаш муҳим шартлардан биридир. Унинг натижасида “хом ашё ва материаллар” бўйича харид нархи, таннархда харажат элементнинг аниқ қийматини шакллантиради.

**Натижалар.** Пахта хом ашёси ишлаб чиқаришда моддий асосини ташкил қилади. Шунинг учун пахта хом ашёсини қабул қилиш бўйича харажатларни амалга оширишда кондицион вазни ва сақлаш жараёнида таббий камайишни ҳисоблаш зарурий шартлардан ҳисобланади. Уларнинг ҳисобланиши қуйидагича:

1. Пахта ифлосланиши (ифлос аралашмаларнинг вазний улуши) ва намлик (намликнинг вазний нисбати) ягона ҳисоб меъёрларига ҳамма саноат навлари учун келтирилган кондицион вазн бўйича қабул қилинади ва ҳисобга олинади. Кондицион вазн ( $M_k$ ) килограммларда қуйидаги формулалар бўйича ҳисобланади [13]:

$$1) M_k = M_p * \frac{100 + W_p}{100 + W_f}$$

$$2) M_p = M_f * \frac{100 - 3_f}{100 - 3_p}$$

бу ерда:  $M_f$  — қабул қилишда тақдим этилган пахтанинг ҳақиқий вазни, кг;  $M_p$  — ифлосланишнинг ҳисоб меъёрларига келтирилган пахта вазни;  $W_p$  — намлигининг ҳисоб меъёри, 9,0% га тенг;  $W_f$  — ҳақиқий намлиги, %;  $3_f$  — пахтадаги ҳақиқий ифлосланиш, %.  $3_p$  — ифлосланишнинг меъёрий ҳисоби, 2,0% га тенг.

Кондицион вазни ҳисоблаш биринчи ўнлик белгигача бажарилади ва бутун birlikларгача яхлитланади. Мисол учун: Хўжалик ифлосланиши

7,2% ва намлиги 10,6% бўлган 4240 кг I нав 2-синф пахта топширган.

Биринчи, ифлосланишининг ҳисоб меъёрига келтирилган пахтанинг ҳисоб вазни аниқланади ва у қуйидагича:

$$M_p = 4240 * \frac{100 + 7,2}{100 + 2,0} = 4015 \text{ кг. ни}$$

ташкил этади.

Иккинчи, шу пахтанинг кондицион вазни аниқланади ва у қуйидагича:

$$M_k = 4015 * \frac{100 - 9,0}{100 - 10,6} = 3958 \text{ кг.}$$

Кондицион вазн аниқлангандан кейин, шартнома нархи асосида пахтани харид нархи шаклланади ва у қуйидагича бўлади:

$$3958 * 6887,04497 = 27258924 \text{ сўм бўлади.}$$

2. Кондицион вазн аниқлангандан сўнг пахта хом ашёси корхонага сақлашга қабул қилинади. У сақлаш жараёнида таббий камайиш хусусияти бўлганлиги сабабли маълум бир миқдорга камайади. Таббий камайишни ҳисобга олишда намлик хусусияти эътиборга олинади. Унинг ҳисоблаш қуйидагича:

$$K_b = K_v - H_b^1$$

бу ерда:  $K_b$  - Куритилган вазн,  $K_v$  - кондицион вазн,  $H_b$  - намлик вазни.

Мисол учун: кондицион вазн 3958 кг, намлик вазни 100 кг. Уни ҳисоблаш қуйидагича:  $K_b = K_v - H_b = 3958 - 100 = 3858$  кг.

3. Пахтани қайта ишлаш жараёнида корхонага тегишли пахта хом ашёси ва ўров материаллари (сим, шол ва хоказолар) сарфланади. Бунда пахта хом ашёси ҳисобини юритишда иккиёқлама ёзув усули бўйича қуйидагича:

Дт 2010 – “Асосий ишлаб чиқариш” счёти  
Кт 1010 – “Хом-ашё ва материаллар” счёти  
Кт 1060 – “Идиш ва идиш материаллари” [7] счётлари (ўров материаллари: шол ва сим).

**Мунозара.** Пахтани қайта ишлаш корхоналарида хом ашё ва материаллар

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси

ҳисоби корхона фаолияти асосидаги харажатларга қаратилади.

Бухгалтерия ҳисобининг меъёрий талабларига кўра ишлаб чиқариш бўйича хом ашё ва материаллар ҳисоби орқали ишлаб чиқаришга тегишли харажатлар ва даромадлар маълумотлари шаклланади. Бунинг учун ҳар бир харажатни ҳисобини тўғри юритилиши, амалдаги меъёрий-ҳужжат талаблари бўйича корхонага фаолиятига тўғри келишини, энг асосийси харажатлар орқали соф фойда келтириши муҳим аҳамиятга эга.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида "хом ашё ва материаллар" муҳим таннарх харажат элементларидан иборат бўлиб, у корхона ишлаб чиқариш фаолиятида ўзининг мақсади ва вазифасига кўра сарфланиши ҳар хилдир. У ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннарх қийматида деярли асосий харажат элементлари ҳисобланади. Пахта қайта ишлаш жараёнида кўпчилик пахта хом ашёсини асосий харажат элементи сифатида қараб, таннарх ҳисоблашда материал харажатларини эътиборга олмайди. Бу ҳолат таннархни нотўғри шаклланишига олиб келади. Шунинг учун хом ашё ва материаллар сарфи бўйича харажатлар ҳисобини тўғри амалга ошириш маҳсулот таннархини аниқ ва объектив аниқланишига олиб келади. Шу жумладан пахтани қайта ишлаш корхоналарида "хом ашё ва материаллар" нималардан иборат ва қайсилари пахтани қайтани ишлашда сарфланади ва иштирок этишини билиш зарур. Шуларни эътиборга олган ҳолда бироз пахтани қайта ишлаш учун керак бўлган хом ашё ва материаллар ҳисобини юритилишига назарий тўхталиб ўтамиз.

Хом ашё ва материаллар бўйича ҳисобга олишда турларини билиш зарур. Чунки улар ўзининг хусусиятига кўра маълум бир вазифаларни амалга оширишга сарфланади. Шунинг учун

уларни гуруҳларга бўламиз. Улар қуйидагилар: хом ашё ва материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғилар, идиш ва идиш материаллари, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, четга қайта ишлашга берилган материаллар, инвентар хўжалик материаллари ва бошқа материаллар. Булар бухгалтерия счётлари режасида 1000-"Материаллар ҳисоби" счётида ҳар бири алоҳида-алоҳида юритилиши учун қуйидагича:

1010 – "Хом ашё ва материаллар";

1020 – "Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар";

1030 - "Ёқилғилар";

1040 - "Эҳтиёт қисмлар";

1050 - "Қурилиш материаллари";

1060 - "Идиш ва идиш материаллари";

1070 - "Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар";

1080 - "Инвентар ва хўжалик материаллари";

1090 - "Бошқа материаллар" гуруҳларига бўлинади.[7]

Юқорида кўратилган ҳар бир материаллар турлари бўйича гуруҳларга бўлинади.

Хом ашё ва материаллар бўйича ҳисоб юритилиши нима ва қайси мақсадларга сарфланаётганлигини аниқлайди. Қайсилари ишлаб чиқариш учун, қайсилари хўжалик учун керак бўлмаганлари. Керак бўлмаганларини сотиш ёки четга қайта ишлашга бериш мумкин.

Ишлаб чиқариш фаолиятида хом ашё ва материаллар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг моддий асосини белгиловчи меҳнат предметлари ҳисобланади. Шунингдек уларга пахта хом ашёси ва ўров материаллари киради.

Қолганлари эса ёрдамчи материаллар ҳисобланиб – хўжаликнинг тегишли барча жараёнларида

фойдаланилади. Шунинг учун улар асосий ва ёрдамчи материалларга ажаратилиб ҳисоби юритилиши керак. Мисол учун, ёқилғилар бир неча мақсадларга сарфланади: двигателни юргизиш, иситиш ва технологик мақсадлар учун ишлатилади.

Ярим тайёр маҳсулотлар – ишлаб чиқаришнинг қайсидир босқичидан ўтган, тайёр маҳсулот ҳолига ўтмаган хом ашёлардир. Бунга пахтани қайта ишлаш (пахта хом ашёсини ўзи етиштирадиган) корхоналарида пахта хом-ашёси киради.

Идиш ва идиш материаллари: (кутилар, симлар, қошлар, ўрама материаллар ва бошқалар) тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бошқа нарсаларни қадоқлаш, ва сақлаш учун ишлатилади.

Четга қайта ишлаш учун бериладиган материаллар бўлиб, ишлаб чиқаришдаги чиқиндилардир.

Эҳтиёт қисмлар - бир неча мақсадларда яъни машина, дастгоҳ, асбоб-ускуна ва бошқа меҳнат воситаларини таъмирлаш учун сарқланади.

Юқоридаги материаллар ўзларининг сарфланиш ва ишлатилиш хусусиятларига кўра гуруҳланди ва булар

туркуми бўйича синтетик ва аналитик ҳисоб юритишлари учун асос бўлади.

Хом ашё ва материаллар қийматлари бўйича синтетик ҳисоби счётларда: ҳақиқий сотиб олиш таннархида ва ҳисоб баҳосида амалга оширилиши мумкин.

Хом ашё ва материалларнинг ҳақиқий таннархи қуйидаги харажатлардан иборат бўлади: сотиб олиш, бож, хом ашё биржа хизмати, ортиш, ташиш, тушириш, сақлаш, мол етказиб берувчи корхонага тўлаган кўшимча харажатлари ва бошқа харажатларидир.

Хом ашё ва материаллар бўйича ҳақиқий таннархни ҳисоблашда 1500-“Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш” ва 1600 – “Материалларнинг қийматидан четланиши” счётларидан фойдаланилади.[7]

Юқоридаги ишлаб чиқариш фаолияти бўйича хом ашё ва материаллар ҳисобига хос бўлган тушунча ва қоидалардан келиб чиқиб, муаллиф томонидан қуйидаги масала ҳавола этилади:

Пахтани қайта ишлаш корхонаси омборида жами 32500000 сўм миқдорда хом ашё ва материаллар бор эди. Корхонада хом ашё материалларга тегишли 1-жадвалдаги хўжалик муомалаларини амалга оширилган.

1-жадвал

**Хом ашё ва материаллар бўйича хўжалик муомалалари<sup>2</sup>**

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	сумма	Счётларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Хўжаликка мол етказиб берувчилардан 3958 кг пахта хом ашёси харид нархида қабул қилинди.	27258924	1510	6010
2	Пахта хом ашёсини сотиб олишда турли корхоналарнинг хизматларидан фойдаланилди	1000000	1510	6990

<sup>2</sup> Тадқиқотлар натижасида қилинган муаллиф ишланмаси



3	<p>Ёқилғилар сарфланди: 650000 сўм</p> <p>а) Тайёрлов жараёнида технологик жараёнлар учун сарфланди;</p> <p>б) Маъмурият хизматидаги машиналар учун сарфланди;</p> <p>в) Ёрдамчи ишлаб чиқаришга (ток ўчган вақтда ток ишлаб чиқарувчи қурилмага) сарфланди;</p> <p>г) Пахта қайта ишлаш жараёнига (ток ўчган вақтда ток ишлаб чиқарувчи қурилмага) сарфланди.</p>	200000	1510	1030
4	<p>Эҳтиёт қисмлар сарфланди: 1000000 сўм</p> <p>а) Тайёрлов жараёнидаги қурилмаларга</p> <p>б) Маъмурият хизматидаги машиналарга</p> <p>в) Ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги қурилмаларга</p> <p>г) Пахтани қайта ишлаш жараёнидаги қурилмаларга</p>	250000	1510	1040
5	<p>Қурилиш материаллари биноларга сарфланди: 1500000 сўм</p> <p>а) Тайёрлов жараёнидаги биноларини таъмирлаш учун</p> <p>б) Машина тураргоҳ бинолари таъмирлаш учун</p> <p>в) Пахтани қайта ишлашда фойдаланилаётган биноларни таъмирлаш учун</p>	400000	9420	1050
6	<p>Идиш ва идиш материаллари сарфланди: 3000000 сўм</p> <p>а) Иккиламчи маҳсулот бўлган чигит маҳсулотларини қадоқлаш учун</p> <p>б) Пахта қайта ишлашдан олинган тола маҳсулотини ўрашга (технологик хусусиятига кўра)</p>	500000	2310	1060
7	Тайёрланган пахта хом ашёси омборга қирим қилинди	28708924	1010	1510
8	Ўзи ишлаб чиқарган пахта маҳсулотини хом ашё сифатида омборга қабул қилди	8000000	1020	2110
9	Қорхонага материаллар 1000000 сўмга ққс 15% 150000 сўмга сотиб олинди	1000000	1060	6010
10	Омбордаги пахта хом ашёси тола олиш мақсадида қайта ишлашга берилди	30000000	2010	1010
11	Пахтани қайта ишлашдан тайёр маҳсулот олинди	33800000	2810	2010



12	Харидорга олинган тайёр маҳсулотдан 2000000 сўмлик қисмини 300000 сўм ққс билан 2300000 сўмга сотди	2000000 300000	4010	9010 6410
13	Корхона сотиб олинган материалларнинг ққс суммаси ҳисобдан чиқариш	150000	6410	4410
14	Сотилган маҳсулот ққс суммаси тўланиши 300000-150000 =150000	150000	6410	5110

Юқоридаги 1-жадвалнинг хўжалик муомалаларидан келиб чиқиб, хом ашё ва материаллар бўйича тегишли сётларда ҳисоб-китоб юритилишини муаллиф қуйидагича акс эттиради:(Ушбу масалада қ-қолдиқ сўзини билдиради.)

ДТ	1010	КТ	ДТ	1000	КТ	ДТ	1510	КТ
қ:	12000000	10)30000000	қ:	32500000	3)650000	қ:	-	7)28708924
	7)28708924			(7)28708924	4)1000000		1) 27258924	
	қ:	10708924		(8)8000000	5)1500000		2)1000000	
				(9)1000000	6)3000000		3а)200000	
					(10)30000000		4а)250000	
			жами:	70208924	36150000	жами:	28708924	
			қ:	34058924				

ДТ	1020	КТ	ДТ	2010	КТ	ДТ	6010	КТ
қ:	500000		қ:	-	11)33800000		1)27258924	
	8)8000000			10)30000000			9)1150000	
	қ:	8500000		3г)200000			қ:	28408924
				4г)300000				
				5в)800000				
				6б)2500000				
			жами:	33800000				

ДТ	1030	КТ	ДТ	2310	КТ	ДТ	6990	КТ
қ:	2000000	3а)200000	қ:	-			қ:	-
		3б)100000		3в)150000				2)1000000
		3в)150000		4в)250000				қ:
		3г)200000		5б)300000				1000000
қ:	1350000			6а)500000				
				қ:	1200000			

ДТ	1040	КТ	ДТ	4410	КТ	ДТ	9420	КТ
қ:	5000000	4а)250000	қ:	-			3б)100000	
		4б)200000		9)ққс150000	13)150000		4б)200000	
		4в)250000	қ:	-			5а)400000	
		4г)300000	ДТ	6410		КТ		
қ:	4000000			қ:	-			





ДТ		1050	КТ	13)150000	12)300000
к;4000000	5а)400000	14)150000		150000	ДТ 2110
	5б)300000	ДТ	5110	КТ	к;8000000
	5в)800000	к;2000000	14)150000		8)8000000
к;2500000		к;1850000			к: -
ДТ	1060	КТ	ДТ	4010	КТ ДТ 9010
к;9000000	6а)500000	к: -			
9)1000000	6б)2500000	12)2300000			12)2000000
к;7000000		к;2300000			

**Хулоса.** Юқоридаги тушунча ва қоидалардан келиб чиқиб, муаллиф томонидан қуйидаги хулосалар таъкидланади:

1. “Хом-ашё ва материаллар” – ишлаб чиқаришда корхона учун зарур бўлган товар моддий захира асосини ташкил қиладиган маблағларидир. Буларнинг ўзига хос хусусиятлари – ишлаб чиқариш натижасида ўзининг ташқи кўринишини ўзгартириб, қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига ўтказишидир.

2. “Хом ашё материаллар”ни синтетик ҳисобини юритишда ҳақиқий таннархда ва ҳисоб баҳоси бўйича усуллари мавжуд бўлиб, уларни ҳисобдан чиқаришда қўлланилади.

3. Пахта хом ашёси харид нархини шаклланишида кондицион вазни ва намлик миқдорининг ҳисоблашнинг афзаллиги корхона харажатлари тўғри юритилишини ва объективлигини таъминлайди.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, муаллиф томонидан қуйидагилар таклиф этилади:

1. Материаллардан: хом ашё ва ўров материаллари фақат битта мақсадда яъни маҳсулот ишлаб чиқаришда, қолганлари эса ҳар хил мақсадларда сарфланади.

2. Пахта хом ашёсини сарфлашда унинг ҳақиқий таннархи усулларини қўллаш зарурдир. Бунда қайта ишлашгача бўлган даврда у учун қанча харажатлар юзага келганлиги ва шу бирга

қанча қийматга эга бўлганлиги аниқланади.

3. Пахта хом ашёси ўзининг биологик хусусиятига эга бўлиб вазн ўзгаришлари, яъни таббий камайиш эҳтимоли мавжуд. Таббий камайиш хом ашёсининг ҳолатига боғлиқ. Пахтани қайта ишлаш жараёнида хом ашё харажатлари ҳисобини юритишда харид нархи бўйича юритилиши шартдир. Лекин таббий камайишни куритиш жараёнларида акс эттиришади. Бу пахта хом ашёсини куритиш жараёнидан ўтган сўнг миқдорини чегириб ташлаш зарур. Чунки бу қайта ишлаш жараёнида хом ашёнинг ҳақиқий оғирлигини белгилайди. Ҳақиқий оғирликка қараб ишлаб чиқаришга сарфланаётган хом ашёнинг қийматини шакллантириш талаб этилади.

4. Пахтани қайта ишлаш жараёнида корхонага тегишли хом ашё ва материаллардан: пахта хом ашёси ва ўров материаллари (сим, шол ва хоказолар) сарфланади. Бунда пахта хом ашёси ҳисобини юритишда 1010 -“Хом-ашё ва материаллар” счёти ва ўров материаллари ҳисобини юритишда 1060 -“Идиш ва идиш материаллари” счётидан фойдаланилади. Бу ерда ўров материаллари ҳисобида 1060-“Идиш ва идиш материаллари” счётида харажатлар қиймати қайси сим материаллига, қайси шол материаллига тегишли эканлигини билиш қийин. Ушбу ҳолатдаги харажатларни аниқ билиш ҳамда



хисобини тўғри юритиш мақсадида  
сим материалига 10601-ишчи транзит

счётини ва шол материалига 10602-ишчи  
транзит счётини таклиф этилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни. Янги таҳрири. 2016 йил 13 апрель ЎРК,-404-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) .
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 24 февралда ГШ-4611-сонли Қарори <https://lex.uz/doc/4746047>.
3. “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” номли 1-сон БҲХС.
4. “Захиралар” номли 2-сон БҲХС.
5. “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” номли 1-сон Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
6. “Товар-моддий захиралар” номли 4-сон Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
7. “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йуриқнома” 21- сон Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
8. “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февраль, 54-сон қарори. 1.1.1 ва 1.1.2 моддий харажатлар [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
9. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли фармони.
10. “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 397-сон қарори.
11. Сотиволдиев А. Замоनावий бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. Тошкент: “БАМА”.2004.1том.122-б.
12. А.Каримов, Ф.Исломов ва А.Авлоқулов. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.Т: “Шарқ”,2004.-Б.235.
13. Э.Зикриёев. Пахтани дастлабки қайта ишлаш. Ўқув қўлланма. “ПАХТАСАНОАТИЛИМ” Очiq акциядорлик жамияти шаклидаги илмий ишлаб чиқариш маркази.2002.Б.26.
14. Н.Рахмонов “Товар-моддий захиралар ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш” 08.00.08: и.ф.н...дисс.автореферати/ Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси.-Т:2016-Б.22.